

Давр Шеъриятида Метофара Ва Метонимиянинг Қўлланилиши Ва Уларнинг Ўзига Хослиги



Ражабов Тўхтамурод Абдуллаевич¹

Хайруллаева Маржона Омон қизи²

^{1,2} Бухоро давлат университети Филология факультети Ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси

Аннотация:

Нарса-буюм, воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро ўхшашликка асосланган маъно кўчиши метофара. Мумтоз адабиётимизда ушбу хилдаги шеърий асарлар ва ғазалларга “истиора” атамаси номи билан қараш анча кенг тарқалган. Мумтоз шеъриятимиздан фарқли равишда лингвистик метофаралар тил тараққиёти босқичи билан боғлиқ. Хусусий муаллифлик метофаралари ёзувчининг эстетик мақсади, яъни борлиқни субъектив муносабатини қўшиб ифодалаган ҳолда номлаши асосида юзага келади. Метофара орқали маъно кўчишида коннотатив маъно ёрқинроқ акс этади. маъно кўчишида метонимия ҳам ўзининг янгича образлар ҳосил қилишига кўра барча кўчим турларидан ажralиб туради. Метонимия шеърнинг ёзилиши жараёнида нарса-ходиса, воқеалар ва ички кечинмаларни жонли тасвирлаш, ёрқин ифодалашга хизмат қиласидиган тил воситасидир.

Таянч тушунчалар: Метофара, Истиора, ташхис, бадиий психологизм, образ, коннотатив маъно, метонимия, ритмик пауза.

Нарса-буюм, воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро ўхшашликка асосланган маъно кўчиши метофара. Метофара ўзининг жуда қадимий тарихига эга маъно кўчишидир. Мумтоз адабиётимизда ушбу хилдаги шеърий асарлар ва ғазалларга “истиора” атамаси номи билан қараш анча кенг тарқалган. Метофара ҳам даврлар оша сайқалланиб борди, тил хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда бугунги кунга икки хил йўналишда: лингвистик метофара ва хусусий метофара атамалари орқали етиб келди.

Мумтоз шеъриятимиздан фарқли равишда лингвистик метофарапалар тил тараққиёти босқичи билан боғлиқ. Бундай метофарапалар асосан шеъриятимизда аташ (номлаш) вазифасини бажаргани учун уларда услубий бўёқдорлик ва нутқ предметига нисбатан субективлик акс этмайдиган бир йўналишдир. Яни улар ўзлари яратаетган образга тўғридан-тўғри мурожаат қилиб ўқувчига аниқ бир маъно ҳақида маълумот бериб ўтади. М.Юсуфнинг “Қизғалдок” шеъридаги қўйидаги тўртликка эътибор берайлик.

Солланасан келинчакдай бошинг эгиб,
Жайрон ўтган сўқмоқларга ёшинг тўкиб,
Қизил юзинг қон дилимга турар тегиб,
Менинг ҳам сен ғарибнинг ҳам парвонанг йўқ...

Шоир ташхис санъатидан фойдаланиб қизғалдокни жонлантиради, гулга инсонга хос бўлган ички туйғуларни сингдиради. Қизғалдоқقا “Бошинг эгиб” ва “Қизил юзинг” каби метофарапаларни қўллаш орқали уни инсонга янада яқинлаштириб қўрсатади. Жумлаларда фақатгина бир сўзнинг маъно доираси кенгаяди ҳамда янги тушунчаларни аташ учун хизмат қиласди. Бу орқали эса ўхшатилаётган нарса тилга олинмагани ҳолда унинг маъноси ўхшатилаётган нарса (яни уни ифодалаётган сўзга юклатилади). Албатта бу ўринда ўхшатилаётган нарса–ҳодисаларнинг айнан олинмаганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Буйерда икки нарса-ҳодисага хос белгилардан бирортаси асос учун олинган.

Бу тарзда кўчимлардан фойдаланиш орқали эса шоир адабиётшунослигимизда кенг қўлланадиган бадиий психологизмдан фойдаланади. Яни бадиий асарда турли хил кўчимлар орқали (ушбу мисрада қизғалдок) инсон образини яратишнинг муҳим воситаларидан бири персонаж руҳиятининг очиб берилиши, ҳатти-ҳаракатларининг психологик жиҳатдан асосланиши, шу мақсадга хизмат қилувчи усул ва воситаларнинг жами ёзувчи ва персонаж руҳиятини бевосита ёки билvosita tasvirlab бериши мумкин. Персонаж ўй-кечинмалари ва ҳис-туйғуларининг “ички монолог”, “онг оқими” тарзда ёки муаллиф тилидан (ўзиники бўлмаган муаллиф гапи) баён қилиниши психологик тасвирининг метафорага қўчган бевосита шакли ҳисобланади. Асардаги образ руҳияти унинг ҳатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, юз-кўз ифодалари, ундаги физиологик ўзгаришлар орқали очиб берилиши эса бевосита маъно кўчиши билан бир қаторда психологик тасвири ҳам юзага чиқаришга хизмат қиласди. Руҳий тасвирининг мана шундай кўчим ҳосил қилиши шеърдаги асл маъно ва кўчма маънолар бир-бирини тўлдиришга хизмат қилиб бораверади. Шу боис ҳам муайян персонаж руҳиятини тасвирилашда ёзувчи буларнинг иккисидан ҳам унумли фойдаланилади. Шунингдек, персонаж руҳиятини

очища ёзувчи табиат тасвири ёки бошқа бирор бир нарса образидан фойдаланиш орқали қўчим ҳосил қилиш имкониятига эга бўладики, бу ҳам билвосита қўчимга асосланган психологизмнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Хусусий муаллифлик метофараплари эса ёзувчининг эстетик мақсади, яъни борлиқни субъектив муносабатини қўшиб ифодалаган ҳолда номлаши асосида юзага келади. Улар услубий жиҳатдан бўёқдорликка ва вокеликни образли тасвирлаш хусусиятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам бадиий матнда қаҳрамоннинг ҳис-туйғуларини таъсирчан, ёрқин бўёқларда, аниқ ва ихчам ифодалашга хизмат килади. Хусусий муаллиф метофарапларида ҳамиша коннотатив маъно мавжуд бўлади. Метофара орқали маъно қўчишида коннотатив маъно ёрқинроқ акс этади. Масалан, от, ешак, қўй, ит, бўри, тулики йўлбарс, бойўғли, мусича, бургут, лочин, қалдирғоч, булбул каби ҳайвон ва қушларнинг номлари бўлган лексемалар мавжудки, бу сўзлар ўз маъносидан ташқари, қўчма маънода кенг қўлланади. Хусусий муаллифлик метофарапларида шоир хаёlinи банд қилган образни фақатгина ўз кўнглига ва ички кечинмаларига суюнган ҳолда баён килади. Шоир бу жараёнда сўзни тежамайди ва маънога мос тушиши ҳақидаги фикрлар ҳам иккинчи даражага тушиб қолади. Шоир фақатгина ўзининг тасаввурларини ҳиссий бўйоқдорлик орқали ифодалашга ҳаракат қилади.

Аёллар, пайкалдан кўтарманг бошни,

Фақат меҳнат қилинг, йиллар кутмайди.

Шийлонларда кутиб – кузатинг қуёшни,

Келажак авлодлар бизни унутмайди!

Шеър махсус нутқ шакли, у енг муофиқ тартибда жойлаштирилган энг муносиб сўзлар йиғиндисидан ташкил топган бўлиши керак. Албатта қўчимлар ҳам шунга ёndoш тарзда ифодаланиши талаб қилади. Кўчим бу шунчаки ўхшатиш эмасалан балки биргина сўзнинг ўзида шеърнинг ғоявий йўналишини очиб бериши мумкин бўлган адабиёт унсуридир. Агарда биз тилшунослик назарияси томонидан таҳлил қиладиган бўлсак балки баъзи бир сўзлар лексик жиҳатдан қўчимга тўғри келмаса аммо маъно жиҳатидан шоир назарда тутган косанинг тагидаги нимкосани кўришимиз мумкин. Аслида шеъриятга қўйиладиган барча талаблар нисбий тушунчадир. Юқоридаги сатрларда шоир ўзбек ҳалқининг аҳволига ачинади, уларга дунёда баҳт нима эканлигини тушунтиргиси келади. “Йиллар кутмайди” бирикмаси орқали инсон ўзининг умрини ўтказиб юбораётганлиги ҳақида ёниб ёзади. “Йиллар кутмайди” бирикмаси бу метафора бўлиб инсонга хос бўлган фаолият турини мавҳум тушунчага юклangan. Аслида кутиш, ёки кутмаслик инсонга хос тушунча бўлиб бу ерда ўтиб кетаётган умр маъносини ифодалайди. Ўзи умуман олганда шеърий нутқ кимга мурожаат қилинаётганига боғлиқ бўлади. Образлар ва қўчимлар шу жараёнда юзага чиқаверади. Шеъриятда бу ҳолат табиий, негаки, шоир ёрига ҳам, денгизга ҳам, балиқка ҳам, Яратувчисига ҳам бир хил муносабатда бўла олмайди. Юқорида айтганимиздек худди мана шу унсурлар сабаб бир сўзнинг маъноси бошқа бир сўзга қўчиб янги тушунча ҳосил қилаверади.

Албатта метафора қўчимлар орасида энг кўп тарқалган қўчим тури ҳисобланади. Аммо маъно

кўчишида метонимия ҳам ўзининг янгича образлар ҳосил қилишига кўра барча қўчим турларидан ажralиб туради. Таşқи кўриниш орқали маъно кўчиши метонимияда шеърнинг жозибадорлигини таъминлайди. Шоир айтмоқчи бўлган барча фикрларини бир сўзга юклаб унинг таъсир қучини кенгайтиради. Жуда кўп ўринларда сўз бирикмаси ишлатилиши керак бўлган ҳолларда битта лексик тушунчани ифодалаш орқали ҳам шаклий, ҳам маъновий гўзалликни юзага чиқаради. Тасаавур қилинг оддийгина сўзлашув тилида сизга кимdir “икки стакан сув ичдим” деса, демак ҳамма нарса аён. Сўзловчи аниқ факт билан гапиргани учун биз уни борлигича, тўғрилигича тушунишга улгуррамиз. Ўша сўзлашув жараёнида сухбатдошинингиз сизга “иккита ичдим” деса, табиийки сиз унинг нима ичганлигини билмай қоласиз. Фикр баён этилаётган нуқтаи-назардан сиз гапнинг йўналишига қараб маъносини тушуниб оласиз. Шоирлар ҳам метонимия асосида фикрини ифодалагандা ўкувчини ўйга толдириб қўяди. Нима айтмоқчи эканлигини ва ўкувчининг туйғуларига қандай таъсир қилаётганини, ўкувчининг нимани сезишини унинг ўзига қўйиб беради. Масалан,

Юлдузлар ёнидан ҳайда зоғларни,

Кундузлар ёнидан ҳайда доғларни.

Ер ютса бўлмасми уришқоқларни,

Йигирманчи аср, бу қандай гап ахир?!

Шоир бу ерда метонимиядан кенг фойдаланади. Йигирманчи асрга мурожаат қилиб аъзои бадани снаряднинг ўки бўлганини, қанотли, қанотсиз ракеталар инсонларга тинмай азоб бераётгани ҳақида гапиради. Шоир сатрлари давомида “уришқоқларни” сўзини келтириши орқали инсон образини кўз ўнгимизда гавдалантиради. Агарда бу ўринда урушқоқ инсонларни деганда еди, аввало ритм бузиларди ва ритмик пауза ўз ўқидан чиқиб жумла ғализланарди. Шоир ушбу лексемадан фойдаланиш оқибатида ўкувчи кўз ўнгидаги маълум бир образ гавдаланади. Ҳар ким дунёдаги энг урушқоқ одам ким деб ўйласа ўшанга нисбатан нафрат туйғуси шакланади. Инсон онгидаги ҳар бир нарсанинг тескариси доимий равищда ўсиб боришини инобатга олсақ, инсон шу ўринда ижобий шахслар образини ҳам кўз ўнгидаги гавдалантиради. Бу эса инсонни ўйлашга ва тафаккур қилишга ундовчи воситалардир. Худди мана шу жараёнлар бадиий образ воқеликдаги нарса-ходисанинг ижодий қайта ишланган метономик аксидир. Метонимия худди мана шу хусусиятига кўра тасвирланаётган фикрни аниқ акс ҳис қилинишига сабаб бўлади. Демак метонимия ҳам ифода хусусиятига кўра образ яратаетганда бадиий образ тасвири ва ифодаланиш хусусиятларидан иборат бўлши ва шеъриятнинг барча қоидаларига амал қилганлигини айтишимиз мумкин бўлади.

Метонимия шеърнинг ёзилиши жараёнида нарса-ходиса, воқеалар ва ички кечинмаларни жонли тасвирлаш, ёрқин ифодалашга хизмат қиласиган тил воситасидир. Метонимияга адабиётшунослик ва тилшунослик томонидан қараб алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш мумкин. Тилшунослик назаряси томонидан қараганимизда метонимиянинг гап таркибида бажараётган вазифасини айтиб ўтсақ, адабиётшунослик йўналишида инсонга берадиган завқи, асар таркибида ўкувчининг бадиий психологизмизга таъсири назарда тутилади. Шеър таркибида

метонимиянинг келиши тилнинг бадиийлигини белгиламайди. Кўчим турларининг бирортаси ҳам ишлатилмаган тақдирда ҳам бадиий тилнинг бош хусусиятлари тасвирийлик ва ҳиссийлик мавжуд бўла олади. Кўчим турлари эса мазкур хусусиятларни кучайтириб намоён қилишга хизмат қилиб бораверади. Масалан, М. Юсуфнинг “Кўк дарвоза” шеърини мисол қилиб олайлик.

Кўк дарвоза, яна не деб мақтайин?

Мехр изҳор этмоқ учун нетайин,
Беканг учун айт боримни сотайин,
Ойбекангни авайлагин, хушёр бўл.

Шоир кўк дарвозага васият қилгандай бўлади ва ўзининг аёли дарвозанинг бекасини авайлашини, унга бегона кўзлар тушмаслигини ўтиниб сўрайди. Шоирbekang учун боримни сотайин дейди ва метонимияга сабаб бўлувчи сўзни кўрсатади. Биз бунга тилшунослик назарияси томонидан қарасак англашиладиган маъно бўйича бор-йўқ нарсамни деган тушунча келиб чиқади. Энди адабиётшунос сифатида таҳлил қилсак “боримни” сўзи “ўзимни” деган маънони юзага чиқаришга сабаб бўлади. Шоир ўзи учун энг қадрли кишиси бу кўк дарвозанинг бекаси эканлигини таъкидлайди, у учун ҳаттоқи ўлимга ҳам тайёр эканлигини айтиб ўтади. Умуман олганда бадиий адабиёт ҳар қандай образлиликини сўз орқали тасвиirlайди. Айни пайтда тасвири қуруқ эмас хис-туйғуларга қоришириш орқали ифодалайди. Кўчимлар, хусусан, метонимия шу жараёнда муайян ўй-фикр, хис-кечинма ҳам ифода этади. Демак метонимияни тасвир ёки ифода воситаси таърифлари билан ўлчаш тўғри эмас.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Д. Қуронов “Адабиётшунослик лугати” Тошкент “Академнашр” – 2010
2. М. Юсуф “Сайланма” Тошкент “Шарқ” – 2007
3. А. Навоий “Ҳикматлар” Тошкент “Ўзбекистон” – 2015
4. А. Орипов “Танланган асарлар” Тошкент “Ғ. Фулом” – 2001
5. Ҳ. Болтабоев “Адабиёт энциклопедияси” Тошкент “Мумтоз сўз” – 2015